


Нега Каъба соат милига тескари равишда тавоф қилинади?



09:00 / 16.06.2023 10447

Каъбани тавоф қилиш – ҳаж ибодати доирасида мусулмонлар учун муқаддас ҳисобланган жойни айланишдир. Ушбу ибодат соат милига нисбатан тескари амалга оширилади. Нима учун? Қуйида келтирилган айрим илмий фактлар бу саволнинг жавобини излашга ёрдам беради.

1. Одам танасидаги қон соат милларига тескари равишда айланади.
2. Атом электронлари тавоф каби ядронинг атрофида соат милларига нисбатан тескари айланади.
3. Ой ўз ўқида соат милларига нисбатан тескари айланади.
4. Ер ўз ўқида соат милларига нисбатан тескари айланади.
5. Ер Қуёш атрофида соат милларига нисбатан тескари айланади.
6. Қуёш тизимидаги сайёралар соат милларига нисбатан тескари айланади.
7. Қуёшнинг ўзи ҳам тизими билан бирга галактикадаги орбитасида соат милларига тескари айланади.
8. Космосдаги барча галактикалар соат милларига тескари айланади.

Бундан келиб чиқадики, биз Каъбани тавоф қилаётганимизда бутун борлиқ каби ҳаракат қиламиз. Яъни Аллоҳнинг барча махлуқи – заррадан то

юлдузлар тўпламигача Аллоҳ таолога ҳамд айтиш йўлида бирлашадилар. Каъбани тавоф қилиб айланар эканмиз, Одамдан Муҳаммад алайҳимуссаломларгача бўлган пайғамбарлар қилган ибодат айланишини амалга оширамиз. Каъба атрофида одамлар айланиши ҳеч ҳам тўхтамайди. Қиёмат ҳам айнан Каъбани айланиш истагида бўлганлар қолмагунига қадар қоим бўлади.

Ибн Маъруф тайёрлади